



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-535

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Олтинсой тумани “Хўжасоат” массиви  
худудидан “AFRUZA МАМАРАЈАБОВА”  
фермер хўжалигига дала шийпони қурилиши  
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/643-сон йиғилиш баёни, Олтинсой тумани ҳокимининг 2020 йил 30 июлдаги 01-05/165-сон хатини кўриб чиқиб,

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/643-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Олтинсой тумани “Хўжасоат” массиви худудидан “AFRUZA МАМАРАЈАБОВА” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасидан қишлоқ хўжалик ҳаритасининг 279-дала контуридаги 0,02 гектар яйлов ер майдони дала шийпони қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “AFRUZA МАМАРАЈАБОВА” фермер хўжалиги дала шийпони қурилишига ажратилган 0,02 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 334 052 (уч юз ўттиз тўрт минг элик икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Олтинсой тумани ҳокимлиги (А.Джумаев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов